

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ҚУЙИ БЎГИНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали аҳоли онгида шаклланган «сув — текин» тушунчасидан воз кечиш ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенгайтирилган тартибда жорий этишни давом эттириш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сув етказиб бериш хизматлари учун тўловларни бекор қилиш (2028 йил 1 январдан бошлаб Дўстлик туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно);

Сув хўжалиги вазирлигининг туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари ҳамда махсус хизматлари негизида «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларини (кейинги ўринларда — Сув етказиб бериш хизматлари) ташкил этиш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизини Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Сув хўжалиги вазирлиги туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларидаги мавжуд бошқарув ходимларининг штат бирликлари ҳисобидан Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасини ташкил этиш учун 7 та штат бирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимларини ташкил этиш учун 39 та штат бирлиги ажратилсин.

Бунда, Давлат бюджети параметрларида туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларини сақлаш учун кўзда тутилган маблағлар тегишли туманларда Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилади ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мутаносиб равишда индексация қилиб борилади.

3. Қуйидагилар Сув етказиб бериш хизматларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

белгиланган лимитлар асосида истеъмолчиларга сув етказиб бериш;

ўзига бириктирилган ҳудудда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

суғориш тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш-тиклаш тадбирларини амалга ошириш;

сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув мониторинги, ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини рақамлаштириш;

истеъмолчилар кесимида истеъмол қилинган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига тақдим этиб бориш;

сув истеъмолчиларининг буюртманомаси асосида бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш.

4. Сув етказиб бериш хизматлари раҳбарлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларининг тавсияларига асосан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши ҳамда амалга оширилган

ишлар юзасидан бир йилда икки марта халқ депутатлари туман Кенгашларига ҳисобот бериб бориши белгилансин.

5. Сув етказиб бериш хизматларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги — 2024-2025 йилларда босқичма-босқич зарур техника учун маблағлар ажратилишини;

Сув хўжалиги вазирлиги — туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари балансидаги мавжуд бино ва асосий воситалар, шу жумладан техникалар Сув етказиб бериш хизматлари балансига ўтказиб берилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — маъмурий биноси мавжуд бўлмаган Сув етказиб бериш хизматлари учун зарур бино ёки жой ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси **38-бандига** асосан қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (кейинги ўринларда — сув солиғи) ставкаси 1 куб метр сув учун 100 сўм этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2024 йилдан бошлаб:

Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 25 мартга қадар вегетация даври учун ва 25 сентябрга қадар куз-қиш даври учун сув манбаларининг сувлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув олиш лимитларини тасдиқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари ҳар йили 1 апрелга қадар вегетация даври учун ва 1 октябрга қадар куз-қиш даври учун якуний истеъмолчилар кесимида экинларни суғориш учун сув олиш лимитларини ҳудудлар бўйича тасдиқланган лимит доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман Кенгашларига киритади;

истеъмол қилинган сув миқдори ҳисобини юритмаган (юритишдан бош тортган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун сув солиғи базаси халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан тасдиқланган лимитларга нисбатан икки баробар оширилган ҳолда ҳисобланади;

б) 2025 йилдан бошлаб:

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,5 камайтирувчи коэффицент қўлланилади;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ёки суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффицент қўлланилади;

балиқчилик учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффицент, қўлланилади;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинмаганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда сув солиғи ставкасига 1,1 оширувчи коэффицент қўлланилади.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-205-сон **Фармонида** «Агробанк» АТБ устав капиталини ошириш

учун 2,6 триллион сўм маблағ йўналтириш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлардан 2024 йилда қайтган маблағларни сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш белгиланганлиги;

«Агробанк» АТБ томонидан сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича шаффоф онлайн кредит ажратиш имконини берувчи «suvkredit.uz» электрон тизими (кейинги ўринларда — «suvkredit.uz» тизими) ишлаб чиқилганлиги ҳамда 2024 йил 1 февралга қадар тўлиқ ишга туширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Сув хўжалиги вазирлиги (Р. Қаршиев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Бобоев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Ф. Суюнов) билан биргаликда «suvkredit.uz» тизимида қуйидаги функциялар инobatга олиниши бўйича «Агробанк» АТБга кўмаклашсин:

кредит расмийлаштириш жараёнининг шаффофлиги, яъни барча босқичларни онлайн кузатиб бориш имконияти яратилиши;

кредитлар асосида жорий қилинадиган сувни тежайдиган суғориш технологиялари фақат ишчи лойиҳалар асосида қурилиши;

пудрат ташкилотлар томонидан ҳар бир лойиҳа бўйича камида 2 йиллик кафолат муддати берилиши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматлари кўрсатилиши;

кредит олувчилар томонидан пудрат ташкилотларнинг фаолиятини баҳолаб бориш ҳамда рейтинг тизими юритилиши;

кредит олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сувни тежайдиган суғориш технологияларидан самарали фойдаланишга ўқитиш орқали сервис ва консултиватив хизматлар кўрсатилиши.

10. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб:

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига «suvkredit.uz» платформаси орқали 5 йил муддатга, шундан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилади;

кредитлар таъминоти 120 фоиз суғурта компанияларининг кредит қайтмаслик хатаридан суғурта полиси асосида амалга оширилади;

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ушбу технологиялар жорий қилинган йилнинг ўзида тўлиқ миқдорда ажратилади.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобига жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологиялари бўйича ажратиладиган субсидияларни, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг тижорат банкларида очилган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлари (кейинги ўринларда — махсус мақсадли ҳисобварақлар) орқали кредитни сўндириш учун йўналтириш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда махсус мақсадли ҳисобварақлар очиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг рўйхатини шакллантириши ҳамда Солиқ кўмитаси ва Марказий банк билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

махсус мақсадли ҳисобварақларни очиш Вазирлар Маҳкамасининг рухсати асосида амалга оширилиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

12. Белгилансинки, суғориладиган ерларда янги боғлар, узумзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда енгил типдаги иссиқхоналарни ташкил этишда хулосалар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан фақат сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш шарти билан берилади.

Бош прокуратура (Ж. Хатамов), Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А. Вахабов) мазкур бандда белгиланган талабнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси 2024 йил 1 февралга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Сув етказиб бериш хизматларининг фаолияти тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилиши;

Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини ташкил этиш учун тегишли туман бюджетларидан маблағлар алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларига харажатлар таснифининг бир сатрида ажратилиши ва Сув етказиб бериш хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилиши;

Сув етказиб бериш хизматлари тузилмаси ва штат бирликлари сони, тизим учун белгиланган нормативлардан қатъи назар, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

Сув етказиб бериш хизматларига ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартиби, шу жумладан, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва улар фаолиятининг самарадорлик мезонларига асосланган рағбатлантириш тартиби Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

туман (Қувасой шаҳар) учун олинган сув ҳажми ҳамда якуний истеъмолчиларга етказилган сув ҳажми орасидаги фарққа (сув йўқотишлари) қараб Сув етказиб бериш хизматлари ходимларини рағбатлантириш механизми.

14. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси (Л. Умурзоқов), Адлия вазирлиги (Ш. Рабиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари 2024 йил 1 июлга қадар барча суғориш тармоқларининг хатловдан ўтказилишини ташкил қилсин ҳамда уларнинг тегишлилиги бўйича балансга берилиши ва кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши, шунингдек, рақамли технологиялар асосида ҳар бир суғориш тармоғини классификациялаш ва идентификациялаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, бунда:

ҳар бир туман (Қувасой шаҳар) ҳокими ўз ҳудудидаги суғориш тармоқларини хатловдан ўтказишга масъул этиб белгилансин;

туман (Қувасой шаҳар) адлия бўлимлари суғориш тармоқларини тегишлилиги бўйича бириктириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан таъминласин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Бобоев) Солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров) билан биргаликда 2025 йил якунига қадар 2027 — 2029 йилларда лазерли текисланмаган суғориладиган майдонларга нисбатан ер ва сув солиғи ставкаларини босқичма-босқич бир ярим баробардан тўрт баробаргача ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ер текислагич агрегатларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизини қоплаб бериш механизми давом эттирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

16. Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига [2-иловага](#) мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 5 январь,
ПҚ-5-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1.	<p>Сувни тежайдиган суғориш технологияларини босқичма-босқич жорий қилиш режасини ишлаб чиқиш, бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш:</p> <p>сувни тежайдиган суғориш технологиялари сув ҳамда электр таъминоти ишончли бўлган майдонларда жорий этилишига;</p> <p>сувни тежайдиган суғориш технологиялари битта суғориш тармоғига боғланган майдонни тўлиқ қамраб олгандан сўнг бошқасига ўтиш, яъни «бир канал — бир тизим» тамойили асосида жойлаштирилишига;</p> <p>сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилиниши режалаштирилган майдонларда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини ушбу технологиялардан фойдаланиш бўйича ўқитишга;</p> <p>сувни тежайдиган суғориш технологиялари ишчи лойиҳалар асосида жорий этилишига.</p>	2024 йил 1 февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари, Сув хўжалиги вазирлиги (Р. Қаршиев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), «Худудий электр тармоқлари» АЖ (У. Мустафоев)
2.	2024 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича лойиҳаларга тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 10 фоиздан ошадиган қисми тўлаб бериладиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг рўйхатини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига киритиб бориш.	Ҳар ойда	«Агробанк» АТБ (Э. Кахоров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Қосимов)
3.	Сув етказиб бериш хизматларини жойлаштириш учун:		

	<p>1. Зарур бино ёки жой ажратилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига таклиф киритиш.</p> <p>2. Сув хўжалиги вазирлигининг таклифларига асосан бино ёки жойларнинг ажратилишини таъминлаш.</p>	<p>2024 йил 15 январь</p> <p>2024 йил 1 февраль</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари</p>
4.	Сув хўжалиги вазирлиги ва «Агробанк» АТБнинг сўровномаларига асосан «Сувчилар мактаби» лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган ўқув курсларида фермер ва кластерларнинг раҳбар ходимлари иштирокisini таъминлаш.	2024 йил февралдан бошлаб	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари
5.	Ўрнатиладиган сувни тежайдиган суғориш тизимларининг электр тармоғига қисқа муддатларда уланишини ҳамда суғориш мавсумида электр тармоғига уланган сувни тежайдиган суғориш тизимлари насос агрегатларини суғориш графигига мос равишда электр энергияси билан узлуксиз таъминлаб бориш.	Доимий	Энергетика вазирлиги, (Ж. Мирзамахмудов) «Худудий электр тармоқлари» АЖ (У. Мустафоев)
6.	Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахсларга сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқни ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил 1 июль	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Хайдаров)
7.	Қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик йўналишида фойдаланиладиган сув ҳажмини аниқлаш учун ўрнатиладиган сув ўлчаш ускуналарига қўйиладиган талаблар ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил 1 апрель	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д. Саттаров)
8.	Халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун истеъмолчилар кесимидаги сув олиш лимитлари ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологиялари ва сув ўлчаш ускуналари орқали фойдаланилган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотларни «Suv hisobi» ахборот тизимига киритиб бориш.	2025 йилдан доимий	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қ. Юлдашев)
9.	Мазкур қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил 1 декабрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Хайдаров), Солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев)

10.	<p>Илмий ходимлар ҳамда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган дарёлар, магистрал каналлар (тизимлар), йирик ва алоҳида муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисоби юритилишини йўлга қўйиш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш. Бунда:</p> <p>реал вақт режимида сув сатҳи ва оқим тезлигини ўлчаш қурилмалари ўрнатиладиган йирик сув хўжалиги иншоотлари, сув олиш ва ўтказиш нуқталари ҳамда гидростлар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>танлаб олинган объект ва нуқталарда сув ўлчаш қурилмаларини ўрнатиш имкониятлари ва ўрнатиш самарадорлигини таҳлил қилиш, таҳлиллар асосида шакллантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;</p> <p>2024 йилда сув ўлчаш қурилмаларини ўрнатиш учун талаб этиладиган маблағларни Сув хўжалиги вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириш.</p>	<p>2024 йил 1 март</p> <p>2024 йил 1 май</p> <p>Заруратга кўра</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдуҳакимов), «Ўзбекгидроэнерго» АЖ (А. Сангинов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)</p>
11.	<p>«Сувчилар мактаби»нинг 2-босқичини йўлга қўйиш. Бунда:</p> <p>лойиҳачилар, пудратчилар, фермер ва кластерлар раҳбар ходимларининг бир ҳафталик малака ошириш курсларини ташкил қилиш;</p> <p>ҳар бир ҳудудда тажриба майдонларини ташкил қилиш;</p> <p>ҳар бир лойиҳани жойида ўрганадиган муҳандис-ирригаторларни тайёрлаш ва сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш жараёнига жалб қилиш.</p>	<p>2024 йил февралдан бошлаб</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Р. Қаршиев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), «Агробанк» АТБ (Э. Кахоров), «ТИҚХММИ» миллий тадқиқот университети (Б. Мирзаев)</p>
12.	<p>Қишлоқ хўжалигида сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш маданиятини оширишга ундовчи материаллар (ўқув дастурлари, тарқатма материаллар, видеороликлар, ижтимоий реклама ва бошқа) ишлаб чиқиш ҳамда таълим ташкилотларининг таълим жараёнларида қўллаш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни кўзда тутувчи дастур ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил 1 октябрь</p>	<p>«ТИҚХММИ» миллий тадқиқот университети (Б. Мирзаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Агробанк АТБ (Р. Маматқулов)</p>
13.	<p>Ички суғориш тармоқларини сақлаш ва сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ҳамда</p>	<p>2024 йил март</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Адлия вазирлиги</p>

	улардан самарали фойдаланишни таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш юзасидан қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		(А. Каримов)
14.	Мазкур қарорда белгиланган норма ва механизмларни давлат идоралари ва якуний сув истеъмолчиларига етказиш бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш, бунда: қарор мазмунини етказиш бўйича ОАВда интервьюлар ҳамда жойларда ўқитишларни ташкил қилиш; сув ҳисоб-китоби ва сув солиғига оид барча нормаларни батафсил тушунтириш бўйича тарқатма материал ҳамда қисқа видеороликлар тайёрлаш ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш; «Suvkredit.uz» электрон тизимида ишлаш кўникмаларини шакллантириш бўйича амалий ўқув курсларини ташкил қилиш.	2024 йил 10 январдан бошлаб	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), «ТИҚХММИ» миллий тадқиқот университети (Б. Мирзаев), «Агробанк» АТБ (Э. Кахоров)
15.	Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигида сарфланган сув миқдорини космик технологиялар орқали ҳисоблаш бўйича пилот лойиҳани амалга ошириш ҳамда ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2024 йил 1 октябрь	Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (Ш. Кадиров), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров)
16.	Қишлоқ хўжалигида сувни тежашда гидрогеллардан фойдаланишнинг йўналишлари ва самарадорлигини ўрганиб чиқиб, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитида гидрогеллардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2024 йил 1 октябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), Сув хўжалиги вазирлиги (Р. Қаршиев)
17.	Қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2024 йил 1 март	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-144-сон қарорида:

а) 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. 2022 йилдан бошлаб кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг ажратилади»;

б) 2-илованинг III бўлимидаги 3.1, 3.2 ва 3.3-жадваллар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.1-жадвал. Томчилатиб суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффициентни ҳисоблаш

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	Ҳовуз-тиндиргич	*
1.1.	бетон ёки темир-бетон қопламали	0,15
1.2.	геомембрана қопламали (қалинлиги ≥ 1 мм)	0,1
1.3.	бир мавсумли плёнка билан қопланган	0,05
1.4.	тупроқ ўзанли (қопламасиз)	0,02
2.	Насос станцияси	0,15
3.	Филтрлаш қурилмаси	*
3.1.	гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,35
3.2.	дискли ёки сеткали, тозаланиши автоматлаштирилган қумли филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,25
3.3.	гидроциклонли, дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,15
4.	Бош (магистрал) қувурлар	*
4.1.	қалин деворли (қалинлиги $>5,3$ мм ёки босимга чидамлилиги $>6,0$ атмосфера)	0,3
4.2.	ўртача қалин деворли (қалинлиги 3,4 — 5,2 мм ёки босимга чидамлилиги 4,0 — 5,9 атмосфера)	0,25
4.3.	юпка деворли (қалинлиги 2,7 — 3,3 мм гача ёки босимга чидамлилиги 2,5 — 3,9 атмосфера)	0,2
5.	Тарқатувчи қувурлар (<i>мевали экинлар ва узумдан ташқари</i>)	*
5.1.	қалин деворли (қалинлиги $>2,7$ мм ёки босимга чидамлилиги $>2,4$ атмосфера)	0,3
5.2.	ўртача қалин деворли (қалинлиги 1,4 — 2,6 мм ёки босимга чидамлилиги 1,9 — 2,4 атмосфера)	0,25
5.3.	юпка деворли (қалинлиги 0,75 — 1,3 мм ёки босимга чидамлилиги 1,2 — 1,8 атмосфера)	0,2
6.	Тарқатувчи қувурлар (<i>мевали экинлар ва узум учун</i>)	*
6.1.	қалин деворли (қалинлиги $\geq 3,1$ мм)	0,25
6.2.	ўртача қалин деворли (қалинлиги 2,8 — 3,1 мм)	0,2
6.3.	юпка деворли (қалинлиги 0,75 — 2,7 мм)	0,15
7.	Томизғичли суғориш шланглари (<i>мевали экинлар ва узумдан ташқари</i>)	*
7.1.	қалин деворли (қалинлиги $\geq 0,3$ мм)	0,4
7.2.	ўртача қалин деворли (қалинлиги 0,15 — 0,29 мм)	0,35
7.3.	юпка деворли (қалинлиги $\leq 0,14$ мм)	0,3
7.4.	тупроқости суғоришга мўлжалланган шланглар	0,5
8.	Томизғичли суғориш шланглари (<i>мевали экинлар ва узум учун</i>)	*
8.1.	қалин деворли (қалинлиги $>0,7$ мм)	0,4
8.2.	ўрта деворли (қалинлиги 0,3 — 0,7 мм)	0,35
8.3.	юпка деворли (қалинлиги	0,3
9.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,15

10.	Томизгичли шланг тарқатувчи ва йиғиштирувчи ускуна	0,05
11.	Сув ҳисоблагич	0,1
ЖАМИ		**

* мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

** мевали экинлар ва узумдан ташқари экин турлари учун: 1, 2, 3, 4, 5, 7, 9, 10, 11 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб акс эттирилади;

мева экинлар ва узум учун: 1, 2, 3, 4, 6, 8, 9, 11 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшилиб акс эттирилади.

3.2-жадвал. Ёмғирлатиб суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффицентни ҳисоблаш

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	Ҳовуз-тиндиргич	*
1.1.	бетон ёки темир-бетон қопламали	0,15
1.2.	геомембрана қопламали (қалинлиги ≥ 1 мм)	0,1
1.3.	бир мавсумли плёнка билан қопланган	0,05
1.4.	тупроқ ўзанли	0,02
2.	Насос станцияси	0,15
3.	Филтрлаш қурилмаси	*
3.1.	гидроциклонли, тозаланиши автоматлаштирилган қумли, дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,35
3.2.	дискли ёки сеткали, тозаланиши автоматлаштирилган қумли филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,25
3.3.	гидроциклонли, дискли ёки сеткали филтр ва ўғит бериш мосламаси	0,15
4.	Сув тарқатувчи тизимлар	*
4.1.	кенг қамровли суғориш тизими	0,8
4.2.	«спринклер» тизими	0,8
4.3.	мобиль суғориш тизими	0,7
5.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,15
6.	Сув ҳисоблагич	0,1
ЖАМИ		**

* мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

** 1, 2, 3, 4, 5, 6 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб акс эттирилади.

3.3-жадвал. Дискретли суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффицентни ҳисоблаш

Т/р	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	Насос станцияси	0,2
2.	Бош (магистрал) қувурлар	*
2.1.	қалин деворли (≥ 2 мм) бир қаватли	0,35
2.2.	қалин деворли (≥ 2 мм) икки қаватли	0,5
2.3.	ўртача қалин деворли (1-2 мм) бир қаватли	0,3
2.4.	ўртача қалин деворли (1-2 мм) икки қаватли	0,45
2.5.	юққа деворли (≤ 1 мм) бир қаватли	0,25
2.6.	юққа деворли (≤ 1 мм) икки қаватли	0,4
3.	Тарқатувчи қувурлар	*
3.1.	қалин деворли ($\geq 0,3$ мм)	0,5
3.2.	юққа деворли (0,45
4.	Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви	0,15
5.	Сув ҳисоблагич	0,1
ЖАМИ		**

* мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади;

** 1, 2, 3, 4, 5 сатрлардаги кўрсаткичлар қўшиб акс эттирилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-264-сон қарорига 1-илованинг 4-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-107-сон қарорининг 5-банди **иккинчи хатбошисидаги** «2024» рақами «2028» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-300-сон қарорига **3б-илованинг** 2-позицияси «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил ноябрь» сўзлари «2024 йил апрель» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги «Фермер хўжалиklarининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 320-сон қарорида:

а) **1-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари тасарруфидаги электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари билан таъминланган насос агрегатлари ва суғориш қудуқларининг пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш учун истеъмол қилган электр энергияси қиймати Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади»;

б) **2-банддаги** «Фермер хўжалиklarининг» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) **3-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари: ҳар йилнинг 1 апрель ҳолатига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари техник ҳолатини, уларга бириктирилган суғориладиган ер майдонларини, жумладан пахта хом ашёси ва ғалла етиштириладиган ерларни хатловдан ўтказсинлар ҳамда тегишли далолатномаларни расмийлаштирадилар;

ҳар йил 10 июлга қадар келгуси йилда пахта хом ашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси прогноз қийматини Давлат бюджетидан қоплаш бўйича асосланган талабномаларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қилиб борсин»;

г) **5-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан пахта хом ашёси ва ғалла етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини Давлат бюджетидан қоплаш бўйича тақдим қилинган талабномаларга асосан зарур бўлган маблағларни келгуси йиллар учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда эътиборга олсин;

пахта хом ашёси ва ғалла етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин»;

д) **6-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. 2023 йилда пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришда насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси қийматининг 50 фоизини қоплаб бериш учун субсидиялар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳамда «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда экин майдонларини суғоришга сарфланган сув миқдори

учун истеъмол қилинган электр энергияси қиймати бўйича ҳисоб-китобларига асосан, истисно тариқасида, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2024 йилда ажратиб берилсин.

Пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришда суғориш ишларига сарфланган электр энергияси миқдори қишлоқ хўжалиги экинларини гидромодул районлаштириш ва суғориш режимидан келиб чиқиб аниқланади. Бунда, қиймати қоплаб бериладиган электр энергияси миқдори ҳақиқатда сарфланган электр энергияси миқдорининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим».

е) 7-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти пахта хом ашёси ва ғалла етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини шартнома асосида ўз вақтида электр энергияси билан таъминласин»;

ж) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) илова куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарорига
ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом насос агрегатлари ва суғориш қудуқларининг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунасини ўрнатган ва уни белгиланган тартибда туман электр тармоқлари ташкилотидан рўйхатдан ўтказган истеъмолчиларга нисбатан татбиқ этилади.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор бошқарувига берилган давлат сув хўжалиги тизимидаги насос станциялари ва суғориш қудуқлари, шунингдек истеъмолчиларнинг пахта ва ғалла майдонларида шўр ювиш, нам ва яхоб сув бериш тадбирлари, бошқа экинлар ҳамда ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинларни суғориш учун истеъмол қилинган электр энергияси қиймати уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

истеъмолчилар — пахта ва ғалла экин майдонларини насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари орқали суғорадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар;

субсидия — пахта хом ашёси ва ғалла етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ёрдам;

туман ишчи гуруҳи — истеъмолчиларга субсидия ажратишда кўмаклашувчи туман (Кувасой шаҳар) ишчи гуруҳлари;

субсидияланадиган электр энергияси миқдори — туман ишчи гуруҳининг ҳулосасига асосан Давлат бюджетидан қоплаб бериладиган истеъмолчининг насос агрегати ва суғориш қудуғи истеъмол қиладиган электр энергияси миқдори.

«Agro-subsidiya» ЯАТ — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига субсидия ажратиш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишнинг ягона ахборот тизими.

3. Субсидиялар истеъмолчиларга:

пахта хом ашёси ва ғалла экинларини мавжуд томчилатиб, ёмғирлатиб ёки дискрет суғориш тизимларидан (кейинги ўринларда — сувни тежайдиган суғориш технологияси) фойдаланган ҳолда суғоришда истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг 100 фоизи;

пахта ва ғалла майдонларини сувни тежайдиган суғориш технологиясидан фойдаланмаган ҳолда суғоришда истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг 50 фоизи миқдорида ажратилади.

Истеъмолчиларга субсидия ажратиш бўйича материалларни жамлаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали амалга оширилади.

4. Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш бўйича шартномаларни тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5059-сон Фармониغا, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сон ҳамда 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 22-сон қарорларига асосан тартибга солинади.

II боб. Субсидия учун талабномаларни расмийлаштириш

5. Ҳар бир туманда (Қувасой шаҳрида) туман (Қувасой шаҳар) ҳокимлиги (кейинги ўринларда — туман ҳокимлиги) томонидан Истеъмолчиларнинг пахта ва ғалла майдонларини суғориш учун насос агрегатлари ва суғориш қудуклари сарфлаган электр энергия харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман (Қувасой шаҳар) ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — туман ишчи гуруҳи) 1-иловага мувофиқ намунавий таркибда тузилади.

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими туман ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.

6. Туман ишчи гуруҳи келгуси йил учун ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар (2024 йил учун 10 февралга қадар) истеъмолчиларнинг пахта ва ғалла майдонларини суғоришда сарфланадиган электр энергияси қийматини давлат бюджетидан қоплаш бўйича туман манзилли рўйхатларини экин тури, ер майдонлари ва контур рақамлари, сув манбаи, ўрнатилган насос агрегатларининг параметрлари (русуми, қуввати, сув сўриш қувурлари ва босимли қувурлар узунлиги ҳамда диаметри, сувни кўтариш баландлиги ва бошқалар), жорий қилинган ёки жорий қилиниши режалаштирилган замонавий сувни тежайдиган суғориш технологияси тури ва майдони, истеъмол қилинадиган электр энергияси миқдори бўйича туман манзилли рўйхатларини шакллантиради, ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи гуруҳининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Бунда, кейинги йилда суғориш ишлари учун истеъмолчининг насос агрегати ва суғориш қудуғи чиқариб берадиган сувнинг ойма-ой миқдори туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан «Сув етказиб бериш хизмати» ДМ билан келишилган ҳолда тегишли гидромодулли районлаштириш ва суғориш режими бўйича ҳисоб-китоб қилинган лимитда белгиланган ҳажмда олинади.

Манзилли рўйхатлар тўғри шакллантирилганлигига туман ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари масъул ҳисобланади.

7. Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари томонидан умумлаштирилиб, ҳар календарь йилнинг 10 июлига (2024 йил учун 1 мартга) қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манзилли рўйхатларни Сув хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги билан келишади ҳамда зарур бўлган маблағларни келгуси йил бюджет параметрларини шакллантиришда инobatга олиш учун ҳар календарь йилнинг 20 июлига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

9. Истеъмолчиларнинг асосланган таклифлари бўйича туман манзилли рўйхатларига туман ҳокими томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10. Манзилли рўйхатни ишлаб чиқиш ва субсидия миқдорини ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$W_{\text{ээ}} = Q_{\text{эд}} \times t_{\text{на}} / \eta_{\text{на}} \quad (1)$$

бунда:

$W_{\text{ээ}}$ — истеъмолчининг насос агрегати ва суғориш қудуғи истеъмол қиладиган электр энергияси миқдори, кВт;

$Q_{\text{эд}}$ — насос агрегати ёки суғориш қудуғи электр двигателининг қуввати, кВт /соат;

$t_{\text{на}}$ — насос агрегати ёки суғориш қудуғининг ишлаш давомийлиги, соат;

$\eta_{\text{на}}$ — насос агрегати ёки суғориш қудуғининг фойдали иш коэффициенти.

Насос агрегати ёки суғориш қудуғининг ишлаш давомийлиги қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$t_{\text{на}} = W_{\text{сув бр}} / Q_{\text{на}} \quad (2)$$

бунда:

$Q_{\text{на}}$ — насос агрегати ёки суғориш қудуғининг сув сарфи, куб м/соат.

$W_{\text{сув бр}}$ — истеъмолчининг насос агрегати ва суғориш қудуғига бириктирилган пахта ва бошоқли дон экинларини суғоришга сарфланган жами сув ҳажми (сувнинг суғориш тармоғида йўқолишларини ҳисобга олинган ҳолда), куб м.

$$W_{\text{сув бр}} = W_{\text{сув}} / \eta_{\text{ст}} \quad (3)$$

бунда:

$\eta_{\text{ст}}$ — истеъмолчининг насос агрегати ва суғориш қудуғи чиқарган сувни экин майдонига етказувчи суғориш тармоғининг фойдали иш коэффициенти;

$W_{\text{сув}}$ — истеъмолчининг насос агрегати ва суғориш қудуғига бириктирилган пахта ва бошоқли дон экинларини суғоришга сарфланган сув ҳажми.

$$W_{\text{сув}} = \omega_{\text{пахта}} \times q_{\text{пахта}} + \omega_{\text{дон}} \times q_{\text{дон}} \quad (4)$$

бунда:

$\omega_{\text{пахта}}$ — пахта майдони, га;

$\omega_{\text{дон}}$ — бошоқли дон экин майдони, га;

$q_{\text{пахта}}$ — ғўзани суғориш меъёри, куб м/га;

$q_{\text{дон}}$ — бошоқли дон экинларини суғориш меъёри, куб м/га.

III боб. Истеъмолчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини қоплаш тартиби

11. Истеъмолчиларнинг пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришда насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергиясининг қийматини қоплаш «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали амалга оширилади.

12. Истеъмолчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси қиймати туман электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчи ўртасида белгиланган тартибда тузилган ва рўйхатдан ўтказилган шартнома асосида ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борилади.

13. Туман манзилли рўйхатларига киритилган истеъмолчилар ўзларининг ҳисобида бўлган насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси харажатлари Давлат бюджетидан қопланиши юзасидан туман ишчи гуруҳига «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали 2-иловага мувофиқ ҳар календарь йилнинг 5 декабрига қадар электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага туман электр тармоқлари ташкилотлари билан тузилган шартнома ҳамда ўрнатилган электр ҳисоблагич (ёки қиёслов ва метрологик кўрик) ҳақидаги маълумотлар илова қилинади.

Истеъмолчилардан бошқа ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

14. Туман ишчи гуруҳи ариза тушган кундан эътиборан уч иш кунида:

истеъмолчиларнинг тасдиқланган туман манзилли рўйхатларида борлигини;

экин тури, умумий майдони ва суғориш турларини;

электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси белгиланган талабларга мослигини ҳамда унинг кўрсаткичлари суғориш учун талаб этиладиган ва ҳақиқатда фойдаланилган сув миқдорига мослигини жойига чиққан ҳолда ўрганади.

15. Ўрганиш натижасига кўра туман ишчи гуруҳи истеъmolчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари пахта ва ғалла майдонларига берган сув миқдорини ҳамда истеъmol қилинган электр энергиясини ҳисоб-китоб қилади ва «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан 3-иловага мувофиқ хулосага электрон имзо қўяди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари томонидан имзоланган хулоса туман ҳокими томонидан электрон имзо билан тасдиқланади.

Бунда, туман ишчи гуруҳи аъзолари истеъmolчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъmol қилган электр энергияси харажатларини қоплаш бўйича хулосаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими — ишчи гуруҳ томонидан истеъmolчиларнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги расмийлаштирилган ҳужжатларининг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — аризалар белгиланган муддатда жойида тўлиқ ўрганилишига ва расмийлаштирилишига, шунингдек келгуси йил учун манзилли рўйхатлар шакллантирилишига;

туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи — истеъmolчиларнинг экин тури, суғорилган майдони ва суғориш турига, шунингдек замонавий сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонларнинг ўлчамига ва ишчи орган вазифасини бажаришга;

«Сув етказиб бериш хизмати» ДМ раҳбари — насос агрегатининг сув чиқариш қобилиятига, жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг турига ҳамда суғориш учун амалда сарфланган сув миқдорини аниқлашга;

туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи — электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилганига, унинг кўрсаткичлари ҳаққонийлигига ҳамда ишчи гуруҳга тақдим этилган ҳужжатлар архивини шакллантиришга;

хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг туман филиали бошқарувчиси — истеъmolчиларнинг тижорат банкидаги ҳисобварағи ва СТИР рақами тўғри киритилишига;

туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси — истеъmolчиларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга шахсан масъул ҳисобланади.

16. Туман ишчи гуруҳи томонидан расмийлаштирилган хулосалар кўриб чиқиш учун «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали белгиланган тартибда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборилади.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришда насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъmol қилган электр энергиясининг харажатлари қоплаб бериладиган истеъmolчиларнинг рўйхатини улар келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунда Сув хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги билан келишади;

яқуний келишилган рўйхатларга мувофиқ истеъmolчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъmol қилган электр энергиясининг қийматини истеъmolчиларнинг аризада кўрсатилган тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

18. Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси истеъmolчиларнинг электр энергиясидан тўғри ва мақсадли фойдаланиши, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси истеъmolчиларнинг сув ресурсларидан тўғри фойдаланиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради.

19. Истеъмолчининг насос агрегатлари ва суғориш кудуғидан ўзаро келишувга кўра бошқа фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига тегишли қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун фойдаланилиши мумкин.

Бунда, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун (пахта хом ашёси ва ғалла бундан мустасно) сарфланган электр энергияси харажатлари истеъмолчиларнинг ўз маблағи ҳисобидан қопланади.

IV боб. Яқуний қондалар

20. Электр таъминоти шартномаси мажбуриятларини бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

21. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича техник ишчи гуруҳ томонидан ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

Истеъмолчиларнинг экин майдонларини суғориш учун насос агрегатлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳи

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. Туман ҳокими, *Ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари*
3. «Сув етказиб бериш хизмати» ДМ раҳбари
4. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
5. Хизмат кўрсатувчи тижорат банки раҳбари
6. Туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи
7. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, *Ишчи гуруҳ котиби*.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

Истеъмолчиларнинг экин майдонларини суғориш учун насос агрегатлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳига

« _____ » раҳбари _____ томонидан

АРИЗА

_____ худудида фаолият кўрсатаётган «_____» фермер хўжалиги (МЧЖ) томонидан 20__ йил жами __ гектар ер участкасида, жумладан, __ рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда _____ гектар экин майдонида пахта/бошоқли дон етиштириш учун насос агрегати/суғориш кудуғи ўрнатилган.

1. Насос агрегати/суғориш кудуғи сони _____.
 2. Сувни тежайдиган суғориш технологияси жорий қилинган майдон _____, жумладан, __ рақамли контурда __ гектар, __ рақамли контурда __ гектар.
 3. Техник ҳолати соз/носоз.
 4. Ҳисобот йили.
 5. Ҳисобот ойи.
 6. Ҳисобот ойи бошига электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси кўрсаткичи.
 7. Ҳисобот ойи якунига электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси кўрсаткичи.
 8. Насос агрегати ва суғориш кудуғи истеъмол қиладиган электр энергияси миқдори.
- Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришда насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қилган электр энергиясининг қийматини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи _____ тумани ишчи гуруҳининг хулосасини беришингизни сўрайман.
- Хизмат кўрсатувчи тижорат банки «_____».
- Ҳисобрақам: _____
- Сана: _____
- Туман электр тармоқлари ташкилотлари билан тузилган шартнома илова қилинади.

«_____»
фермер хўжалиги
раҳбари

(имзо)

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчиларининг насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплашга субсидия ажратиш юзасидан

ХУЛОСА

Ушбу хулоса _____ тумани ишчи гуруҳи аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарори талабларига мувофиқ «_____» _____ мурожаатини жойида ўрганиб чиқиш якуни бўйича расмийлаштирилди.

1. Хулоса расмийлаштирилган сана

Ҳисобот йили

Ҳисобот ойи

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи тўғрисида умумий маълумотлар

Номи

Ҳудуд/туман номи

СТИР

Банк ҳисобрақами

Хизмат кўрсатувчи банк номи/МФО рақами

3. Жами экин майдони

шундан пахта хом ашёси (контур рақами ва гектар) ва бошоқли дон (контур рақами ва гектар) экилган майдон

жами пахта хом ашёси экилган майдон

шундан сувни тежайдиган суғориш тизимларидан фойдаланилган майдон

жами бошоқли дон экилган майдон

шундан сувни тежайдиган суғориш тизимларидан фойдаланилган майдон.

4. Насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари сони

5. Насос агрегатлари ва суғориш қудуқларининг техник параметрлари

Русуми, номи

Қуввати, кВт

сув сўриши қувури узунлиги, метр

сув сўриши қувури

диаметри, мм

босимли қувур узунлиги, метр

босимли қувур диаметри, мм

сувни қўтариши

баландлиги, метр

6. Насос агрегати ёки суғориш қудуғининг ишлаш давомийлиги, соат

Насос агрегати ёки суғориш қудуғининг сув сарфи, куб м/соат

Экинларини суғоришга сарфланган жами сув ҳажми, куб метр

шундан пахта хом ашёси ва бошоқли дон учун, куб метр

шундан пахта хом ашёси учун, куб метр

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилган ҳолда, куб метр

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилмаган ҳолда, куб метр

шундан бошоқли дон учун, куб метр

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилган ҳолда, куб метр

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилмаган ҳолда, куб метр

Ҳисобот ойи бошига электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси кўрсаткичи, кВт

Ҳисобот ойи якунига электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси кўрсаткичи, кВт

Насос агрегати ва суғориш қудуғи истеъмол қиладиган электр энергияси миқдори, кВт

шундан пахта хом ашёси ва бошоқли дон учун, кВт

шундан пахта хом ашёси учун, кВт

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилган ҳолда, кВт

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилмаган ҳолда, кВт

шундан бошоқли дон учун, кВт

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилган ҳолда, кВт

сувни тежайдиган суғориш тизимлари ишлатилмаган ҳолда, кВт

7. Субсидияланадиган электр энергия миқдори, кВт

8. Ажратилиши лозим бўлган субсидия миқдори, млн сўм».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 ноябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг **10-бандида:**

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги **низомда:**

а) **14-банддаги** «3» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин;

б) **15-банддаги** «(ушбу Низомга 4-илова)» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) **17-бандда:**

биринчи хатбошидаги «беш» сўзи «ўн» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «хамда қурувчи — пудрат ташкилотини «Tomchi-reestr»

ЯЭРдан ўтганлигини» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «50 фоизини» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) **20-бандда:**

бешинчи хатбошидаги «туман ирригация бўлими бошлиғи» сўзлари «Сув етказиб бериш хизмати» ДМ раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 23-банднинг **иккинчи хатбошиси** «пахта етиштириш» сўзларидан олдин «ҳар календарь йилининг 1 декабрига қадар» сўзлари билан тўлдирилсин;

е) **23¹-банд** қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«23¹. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини 2023 йилда жорий қилган ва белгиланган субсидия маблағларининг 50 фоизини олган талабгорларга 2024 йилда тизимларнинг ишлатилишига қараб субсидиянинг қолган 50 фоизи туман ишчи гуруҳларининг «Agro-subsidiya» ЯАТ орқали юборган хулосасига асосан тегишлича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ажратиб берилади»;

ж) қуйидаги мазмундаги 3¹-боб билан тўлдирилсин:

«3¹-боб. Тижорат банклари томонидан сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган кредит маблағлари фоиз ставкасининг бир қисmini қоплаш тартиби

23³. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш мақсадида талабгорларга (кейинги ўринларда — қарз олувчи) миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 10 фоиздан ошадиган, лекин 14 фоиздан кўп бўлмаган қисmini қоплаш учун компенсация (кейинги ўринларда — компенсация) 2024 йилдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисобидан тўланади.

Бунда, компенсация харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

23⁴. Компенсация қарз олувчига хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг мурожаатига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан тузиладиган битимга мувофиқ тижорат банкининг ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Бунда, кредит шартномасининг тўлов жадвалига мувофиқ тижорат банки томонидан тасдиқланган компенсация ажратиш учун буюртма Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади.

Кредит шартномасининг шартлари ўзгарган ҳолларда илгари тасдиқланган ва ҳисобланган компенсация миқдори оширилмайди ҳамда компенсация муддати узайтирилмайди.

23⁵. Компенсация ажратиш бўйича буюртмалар қуйидаги ҳолларда тақдим этилмайди:
кредит фоиз ставкаси 14 фоиздан кўп бўлганда;
кредитни қайтариш муддати беш йилдан кўп бўлганда;
кредит хорижий валютада ажратилганда;
кредит аввалги йилларда жорий этилган сувни тежайдиган суғориш технологиялари учун ажратилганда.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги юзасидан масъулият тижорат банки раҳбарлари зиммасига юкланади.

23⁶. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича лойиҳаларни кредит маблағлари ҳисобига амалга ошираётган, бироқ тижорат банклари томонидан реестрга киритилмай қолган талабгорларда юзага келган қарздорлик тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

Агар талабгорларнинг кредит тўловларини қайтариш графикларидаги ўзгаришлар инобатга олинмаслиги натижасида ортиқча компенсация тўловлари юзага келса, ушбу маблағлар тижорат банкининг ўз маблағлари ҳисобидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига қайтариб тўлаб берилади.

23⁷. Тижорат банклари туман ишчи гуруҳлари билан биргаликда ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб боради ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича тегишли чораларни кўради.

23⁸. Тижорат банкларига ажратилган компенсациядан мақсадли фойдаланишни, тўловларнинг ва ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади»;

з) **24-бандда:**

биринчи хатбошидаги «Tomchi-reestr ЯЭРга» сўзларидан олдин «2024 йил 10 январдан бошлаб» сўзлари билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«лойиҳани амалга ошириш учун соҳа бўйича олий маълумотли мутахассислар, жумладан, лойиҳачи, муҳандис ва агроном билан таъминланганлик даражаси (лойиҳа амалга ошириладиган ҳар бир ҳудуд учун 2 нафар лойиҳачи, 2 нафар агроном ва 6 нафар муҳандис)»;

олтинчи хатбошидаги «соҳага алоқадор олий» сўзларидан кейин «таълим муассасалари» сўзлари билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «хужжатларнинг тўғрилигига» сўзларидан кейин «курувчи-пудрат» сўзлари билан тўлдирилсин;

и) **27-бандда:**

учинчи хатбошидаги «ва уларнинг сифат кўрсаткичлари коэффиценти» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «амалга оширилган ҳудудларда» сўзларидан кейин «савдо шохобчаси ташкил этилганлиги ва» сўзлари билан тўлдирилсин,

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«лойиҳани амалга ошириш учун олий маълумотли, жумладан, лойиҳачи, муҳандис ва агроном билан таъминланганлик даражаси»;

к) **29-банд** қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«29. Курувчи-пудрат ташкилотлари рейтинги натижалари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

Т/р	Ишончлилик даражаси	Умумий баллар
1.	Маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги*	15
2.	Ишлаб чиқариш корхонаси махсус лаборатория билан жиҳозланганлиги	15
3.	Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги	5
4.	Соҳа бўйича фаолият олиб бораётган олим ва илмий ходимларнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишда иштироки мавжудлиги**	10
5.	Ҳудудларда савдо шохобчаси ташкил этилганлиги	10
6.	Ҳудудларда сервис-хизмат кўрсатиш марказининг амалда фаолият олиб бораётганлиги***	15
7.	Олий маълумотли лойиҳачи, муҳандис, агроном ходимлар билан таъминланганлиги ҳамда уларнинг «Сувчилар мактаби»да малака оширганлиги	15
8.	Технологиядан фойдаланиш бўйича буюртмачилар томонидан эътирозлар мавжуд эмаслиги	15

* Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишчи гуруҳ ташкил этиши орқали маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари мониторинг қилиб борилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда корхона номи, техник кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш санаси кўрсатилганлиги ўрганилади.

** Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ходимлари лойиҳа хужжатларининг ҳудудни тупроқ ва иқлим шароитига ҳамда экин турига мослиги, шунингдек жорий қилиниши режалаштирилган технологиянинг амалда ишлаш жараёни ва унинг натижадорлиги юзасидан Сув хўжалиги вазирлигига асосланган хулосалар тақдим этиб боради ҳамда хулосаларнинг тўғрилигига шахсан масъул ҳисобланади.

*** Сув хўжалиги вазирлиги томонидан жойларда ташкил этилган сервис-хизмат кўрсатиш марказларининг амалда фаолият олиб бораётганлиги мавсум давомида ўрганиб борилади»;

л) **30-бандда:**

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳририда баён этилсин:

«лойиҳа амалга оширилган ҳудудда буюртмачилар томонидан «Tomchi-reestr» ЯЭР орқали технологиядан фойдаланиш бўйича шикоятлар ва аризалар юборилиб, ушбу камчиликлар беш кун муддатда бартараф этилмаганда (камчиликлар ўз вақтидан кечикиб бартараф этилса корхона 3 ой муддатга реестрдан четлатилади)»;

бешинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги, шунингдек ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланганда»;

м) 1-иловининг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. Туман ҳокими, *Ишчи гуруҳ раҳбари*

2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари*

3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

4. «Сув етказиб бериш хизмати» ДМ раҳбари

5. Хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг туман филиали бошқарувчиси

6. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган янги технологик асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 352-сон қарорига 1-иловада:

142¹-позициядаги «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган маблағлар ҳисобидан олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун ёмғирлатиб суғориш қурилмалари (стационар пирали ёмғирлатиб суғориш тизимлари)» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун ёмғирлатиб суғориш технологиясининг Center Pivot ва мобиль суғориш тизимлари (стационар пирали ёки кўчма ёмғирлатиб суғориш тизимлари) сўзлари билан алмаштирилсин;

143¹-позициядаги «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларидан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган маблағлар ҳисобидан олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун суғориш қурилмалари (стационар пирали ёмғирлатиб суғориш тизимлари) бутловчи ва эҳтиёт қисмлари» сўзлари «Қишлоқ хўжалиги ёки боғдорчилик учун ёмғирлатиб суғориш технологиясининг Center Pivot ва мобиль суғориш тизимлари (стационар пирали ёки кўчма ёмғирлатиб суғориш тизимлари) бутловчи ва эҳтиёт қисмлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги «Қашқадарё вилоятининг Касби туманида қишлоқ хўжалигида сув ҳисобини юритиш тизимини рақамлаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 371-сон қарорига:

а) 1-банддаги «2024» рақами «2028» рақами билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

«б» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «бир ой муддатда» сўзлари «2026 йил 1 июлга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «2023» рақами «2026» рақами билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «2024» рақами «2028» рақами билан алмаштирилсин;

г) 7-бандда:

«а» кичик банддаги «икки ой муддатда» сўзлари «2026 йил 1 августга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «2024» рақами «2028» рақами билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «2024» рақами «2028» рақами билан алмаштирилсин.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.01.2024 й., 07/24/5/0010-сон; 16.02.2024 й., 06/24/36/0130-сон, 08.05.2024 й., 06/24/74/0332-сон; 30.12.2024 й., 07/24/455/1092-сон; 15.10.2025 й., 07/25/302/0955-сон; 29.12.2025 й., 07/25/388/1235-сон; 06.02.2026 й., 07/26/47/0115-сон)